

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЭНЕРГИЯНИНГ ҚАЙТА
ТИКЛАНАДИГАН МАНБАЛАРИДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ
ЧИҚАРАДИГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ЯГОНА
ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИГА УЛАШ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари түғрисида» 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимига улаш регламенти **иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси тасдиқланган Регламентнинг бажарилиши назорат қилинишини ва электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларининг ягона электроэнергетика тизимининг электр тармоқларига камситилмасдан уланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргалиқда ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

4. Вазирлеклар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июль,
610-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 610-сон қарорига
ИЛОВА

**Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан
электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона
электроэнергетика тизимига улаш**

РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент электр энергияси, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимининг электр тармоқларига (кейинги ўринларда ягона электроэнергетика тизими деб аталади) улаш тартибини белгилайди ва тадбиркорлик субъектларининг электр тармоқларига камситилмасдан киришини таъминлайди.

2. Ушбу Регламент ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларига, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергетикада

назорат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўзэнергоинспекция» деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ва электр энергияси ишлаб чиқарувчиларни электр тармоқларига улаш мўлжалланаётган истеъмолчиларга татбиқ этилади.

Бунда ушбу Регламент талаблари:

электр энергияси ишлаб чиқарувчининг янгидан ишга тушириладиган қувватларини ягона электроэнергетика тизимига улаш;

ишлаб чиқарувчининг олдин уланган электр қурилмалари қувватлари қўпайиши;

ишлаб чиқарувчининг олдин уланган электр қурилмаларининг ягона электроэнергетика тизими уланиши нуқталари ўзгарган ҳолларда татбиқ этилади.

3. Ушбу Регламентда кўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

электр энергияси ишлаб чиқарувчи ёки потенциал ишлаб чиқарувчи (кейинги ўринларда ишлаб чиқарувчи деб аталади) — ўз эҳтиёжи ва (ёки) бошқа юридик ёки жисмоний шахсга реализация қилиш учун электр энергияси (қувватлар), шу жумладан, энергиянинг тикланадиган манбаларидан электр энергияси (қувватлар) ишлаб чиқарадиган ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар юридик ёки жисмоний шахс;

тизим оператори — «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг ягона электроэнергетика тизими, магистрал электр тармоқлари фаолият кўрсатишининг технологик режимини тезкор-диспетчерлик бошқарадиган, шунингдек, бошқа давлатларнинг электроэнергетика тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган бўлинмаси;

электр қурилмаси — электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, бериш, тақсимлаш ва уни энергиянинг бошқа турига айлантириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар, электр узатиш линиялари ва ёрдамчи ускуналарнинг жами (улар ўрнатилган иншоотлар ва бинолар билан биргаликда);

электр тармоғи хўжалиги обьектлари — электр энергиясини узатиш учун мўлжалланган электр узатиш тармоқлари, трансформатор кичик станциялари, тақсимлаш ва электр токининг йўналишини қайта ўзгартирувчи пунктлар;

ягона электроэнергетика тизимида улашнинг мақбул нуқтаси — ишлаб чиқарувчининг мавжуд қувватини бериш учун электр тармоғи хўжалигининг кучланиш даражаси ва ўтказиш қобилияти бўйича мос бўлган ишлаб чиқарувчи жойлашган жойга яқин жойлашган обьекти;

техник шартлар — муайян қувватларни электр тармоғининг муайян нуқтасига улаш учун зарур техник талаблар санаб ўтилган ҳужжат.

4. Ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан, хусусий уйларда энергия ишлаб чиқарадиган электр қурилмаларини ўрнатган ишлаб чиқарувчилар ушбу Регламентда белгиланган тартибда, ушбу Регламентга **1-иловага** мувофиқ схема бўйича ягона электроэнергетика тизими уланиш хукуқига эгадирлар.

5. Ишлаб чиқарувчининг электр қурилмалари ягона электроэнергетика тизимининг мақбул нуқтасига уланади.

6. Ўзининг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимида улаш учун ишлаб чиқарувчи электр тармоқларига уланиш мўлжалланаётган ташкилотдан янги ёки ќўшимча энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни улашга техник шартларни олиши шарт.

Олдин уланган электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимида улаш нуқтасини ўзгартириш зарур бўлганда ҳам ишлаб чиқарувчи техник шартларни олишига мажбурдир.

7. Техник шартлар ишлаб чиқарувчининг буюртманомаси бўйича:

магистрал электр тармоқларига улашда — «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ёки унинг худудий бўлинмалари (кейинги ўринларда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ деб аталади) томонидан уларда тегишли ваколатлар мавжуд бўлганда;

худудий электр тармоқларига уланишда — «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг тегишли худудий корхонаси (кейинги ўринларда «Худудий электр тармоқлари» АЖ деб аталади) томонидан;

электр энергияси ишлаб чиқардиган корхоналарнинг электр тармоқларига уланишда — электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича тегишли корхона, шу жумладан, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (кейинги ўринларда электр энергияси ишлаб чиқардиган корхона деб аталади) томонидан;

истеъмолчиларнинг электр тармоқларига уланишда — «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг (улардан магистрал электр тармоқлари сифатида фойдаланилганда) ва/ёки «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан берилади.

8. Ўз балансида электр тармоқларига эга бўлган истеъмолчилар «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ёки «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг талаби бўйича, улар томонидан белгиланган техник имконият мавжуд бўлганда ўз электр тармоқларига ишлаб чиқарувчиларнинг электр қурилмаларини улашга мажбурдир.

9. Ягона электроэнергетика тизимининг қабул қилувчи электр тармоғининг кучланиш синфи ва электр тармоғи хўжалиги обьектларига улашнинг мақбул нуқтаси ишлаб чиқарувчининг берадиган мавжуд қуввати қуйидагича бўлганида қабул қилинади:

10 кВт гача — 0,23 кВ;

3 кВт дан 100 кВт гача — 0,4 кВ;

20 кВт дан 2 000 кВт гача — 6 — 10 кВ;

1 000 кВт дан 20 000 кВт гача — 35 кВ;

10 000 кВт дан 40 000 кВт гача — 110 кВ;

20 000 кВт ва ундан юқори — 220 кВ.

10. Ушбу Регламентнинг **9-бандида** назарда тутилган кучланиш синфи электр тармоқларига улашга ягона электроэнергетика тизимининг техник имконияти бўлмаганда, шунингдек, электр энергиясини ягона электроэнергетика тизимига уланишнинг мақбул нуқтасигача узатишда электр энергиясининг технологик йўқотилиши даражаси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлганда кучланишнинг юқорироқ синфли электр тармоқларига уланишга техник шартлар берилиши мумкин.

2-боб. Ишлаб чиқарувчиларнинг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимига улашга техник шартларни бериш тартиби

11. Электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимида улаш, олдин уланган электр қурилмалари қувватларини кўпайтириш ёки уланиш нуқтасини ўзгартириш учун ишлаб чиқарувчи ушбу Регламентга **2-иловага** мувофиқ шакл бўйича электр тармоғи эгасига буюртманома беради, ушбу буюртманома унинг веб сайтида ва/ёки интерактив давлат хизматлари ягона портала бўлиши керак.

Ягона электроэнергетика тизимида уланишга буюртманома электр тармоғи эгасининг веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда ёки қоғоз шаклида почта орқали ёки чопар билан юборилиши мумкин.

12. Қуйидаги ҳолларда:

ишлаб чиқариладиган барча электр энергиясидан ўз истеъмоли учун фойдаланилган ва ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаси ягона электроэнергетика тизимида уланмаган, шунингдек, ягона электроэнергетика тизими билан электр алоқаси бўлмаган ҳолларда;

химоя қурилмалари ўрнатиш орқали ягона электроэнергетика тизимида электр энергияси бериш имконияти истисно қилинган ҳолда электр энергиясини ёхуд электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича ўз қурилмаларидан, ёхуд ягона электроэнергетика тизимининг электр тармоқларидан истеъмол қилинган ҳолларда техник шартларни олиш талаб этилмайди.

Бунда ишлаб чиқарувчи (маиший истеъмолчилар — аҳоли бундан мустасно):

тармоқлар эгасини электр қурилмаларидан ўз истеъмоли учун электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланиш тўғрисида хабардор қиласди;

белгиланган тартибда «Үзэнергоинспекция» билан келишилдиган электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқади;

электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича электр қурилмаларини «Үзэнергоинспекция» кўрикдан ўтказганидан ва улардан фойдаланишга рухсатнома олинганидан кейин ишга туширади (ушбу Регламентнинг [42-бандида](#) келтирилган ҳоллар бундан мустасно);

электр қурилмаларининг зарур техник ҳолати ва электр хавфсизлиги таъминланиши учун жавоб беради.

20 кВт гача қувватни берадиган ишлаб чиқарувчилар учун электр таъминоти лойиҳасини «Үзэнергоинспекция» билан келишиш ва «Үзэнергоинспекция»дан электр қурилмаларидан фойдаланишга рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

13. Агар ҳудудий электр тармоғига 20 кВт дан 500 кВт гача қувватли ишлаб чиқарувчи уланса, ишлаб чиқарувчининг буюртманомаси тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ — тармоқлар эгаси тизим операторини хабардор қиласди ва унга уланишга буюртманома нусхасини маълумот учун юборади.

14. 500 кВт дан ортиқ қувватли ишлаб чиқарувчини улашда «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ — тармоқлар эгаси тизим операторига буюртманома нусхасини келишиш учун юборади.

15. 20 кВт гача қувватли барча ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини улаш мўлжалланаётган электр тармоқлари эгаси буюртманомаси тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида уни ўрганади ва ишлаб чиқарувчига электр тармоғига уланиш учун техник шартларни беради ёхуд унга асосланган рад жавобини юборади.

Ишлаб чиқарувчининг электр қурилмалари иш режими ва ишнинг технологик параметрлари улар уланиши мўлжалланаётган электр тармоқлари иш режими ва параметрларига мос эмаслиги, шунингдек, ушбу Регламентга [2-иловада](#) келтирилган техник шартларни бериш учун зарур маълумотлар мавжуд эмаслиги рад этиш учун асос бўлиши мумкин.

16. 500 кВт ва ундан юқори қувватни бериш имкони бўлган барча ишлаб чиқарувчилар учун тармоққа уланишнинг имконияти бўлиши мумкин бўлган вариантлари, шунингдек, кўриб чиқладиган ҳар бир вариант учун техник шартлар тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш асосида ишлаб чиқлади.

17. 20 кВт дан 500 кВт гача қувватни бериш имкониятига эга бўлган барча ишлаб чиқарувчилар учун тармоққа уланишни ўрганиш ўрнига тармоққа уланишда таъсирни баҳолаш етарлидир. Ўрганиш билан баҳолаш ўртасидаги асосий фарқ электр тармоғи режимларини зарурый таҳлил қилиш иш хажмидан иборатdir.

18. Тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш бундай ишларни ўтказиш учун ваколатли бўлган ихтисослашган ташкилот (loyixa tashkiloti) ёки тармоқларига уланиш мўлжалланаётган ташкилот томонидан бажарилади. Тармоққа уланишни ўрганиш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ишлаб чиқарувчининг ҳисобига қопланади.

Электр тармоғи эгаси буюртманомалар тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ишлаб чиқарувчига тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш учун ваколатли бўлган ихтисослаштирилган ташкилотлар рўйхатини беради ва/ёки бажариладиган ишлар қийматини кўрсатган ҳолда тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш бўйича ўз хизматларини таклиф қиласди.

Ишлаб чиқарувчи тармоқлар эгаси томонидан тақдим этилган рўйхатдан ихтисослаштирилган ташкилотни танлашга ёхуд лицензияга эга бўлган ва ишларнинг бундай турини бажариш ваколатига эга бўлган бошқа ташкилотни жалб этиш ёки шартнома тузиш асосида тармоқларнинг эгаси хизматларидан фойдаланиш ҳукуқига эга.

Тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолашда уланадиган электр қурилмасининг тармоқнинг иши ишонччилигига бўлиши мумкин бўлган таъсири ва танланган ечим учун ушбу Регламент талабларига риоя қилиш аниқланади.

19. Тармоққа улашга буюртманомада күрсатилған маълумотларга қўшимча равишда тармоқнинг эгаси тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни сўрашга, бироқ ихтисослаштирилган ташкилот ёки электр тармоғи эгаси билан тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш учун шартнома тузилган ва тузилган шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқарувчи томонидан ҳақ тўланган кундан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай сўрашга ҳақлидир.

20. Тармоққа уланишни ўрганиш натижаларини тайёрлаш даври тўқсон календарь кундан, тармоққа уланишни баҳолаш эса — электр тармоғи эгасига ва/ёки ихтисослаштирилган ташкилотга ишлаб чиқарувчидан талаб қилинадиган барча маълумотлар тақдим этилган санадан бошлаб ўттиз календарь кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолаш натижалари бўйича хulosада, шу жумладан:

тармоққа уланиш учун техник ечимлар таҳлили;

тармоққа уланишнинг мўлжалланаётган нуқталарида электр тармоғи хўжалиги объектларининг техник тавсифлари;

ишлаб чиқарувчининг энергия ишлаб чиқарадиган энергия қурилмасига қўйиладиган техник талаблар ва ишлатиш талаблари;

кувватларнинг ягона электроэнергетика тизимиға балансини таъминлаш ва қўшимча хизматлар кўрсатиш (юклама жадвалини тартибга солишда иштирок этиш ва шу кабилар) юзасидан энергия ишлаб чиқарувчи энергия қурилмасига қўйиладиган талаблар;

тармоққа улаш учун зарур бўлган электр тармоғи хўжалиги объектларини қуришга харажатларни (ишлаб чиқарувчининг ёки электр тармоғи эгасининг талаби бўйича) баҳолаш ҳакидаги маълумотлар бўлиши керак.

21. Тармоққа уланишни ўрганувчи ёки баҳоловчи ташкилот тармоққа уланишни таъминлаш ва ягона электроэнергетика тизими учун салбий оқибатларсиз ишлаб чиқарувчининг энергия ишлаб чиқарувчи қурилмасини ишлатиш учун зарур ҳисобкитобларни (хавфсизликнинг таҳлили, ягона электроэнергетика тизимининг динамик ва турғун барқарорлиги, кувватлар оқимлари ҳисоб-китоби, қисқа туташувлар режимлари, реактив қувватни бошқариш, электр энергияси сифати параметрларини аниқлаш ва шу кабилар) бажариши зарур.

22. Тармоққа уланишни ўрганиш ёки баҳолашда электр тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболли режаси ҳам ҳисобга олинади.

23. Агар ўрганиш ёки баҳолаш натижалари бўйича ишлаб чиқарувчининг уланадиган электр қурилмалари параметрлари электр тармоғининг чегаравий параметрлари ошишига олиб келмаса, унга уланиш мўлжалланаётган тармоқлар эгаси юқорида кўрсатиб ўтилган натижалар олинган пайтдан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда:

500 кВт ва ундан ортиқ қувватни беришда — тизим операторига буюртманомалар нусхасини ва ўрганиш ёки баҳолаш натижаларини келишиш учун юборади;

20 кВт дан 500 кВтгача қувватни беришда — ишлаб чиқарувчига ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларига уланишга техник шартларни беради.

Тизим оператори буюртманомани ҳамда ўрганиш ва баҳолаш натижаларини улар тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида кўриб чиқади, ушбу уланишни келишади ёки уланиш мўлжалланаётган тармоқлар эгасига хulosани юборган ҳолда асосланган рад жавобини беради.

Уланиш мўлжалланаётган тармоқлар эгаси тизим операторининг хulosаси олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ишлаб чиқарувчига ушбу уланиш тизим оператори билан келишилган ҳолда ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларига уланишга техник шартларни беради ёки тизим оператори билан келишилмаганда ишлаб чиқарувчининг электр қурилмалари тармоғига уланишга асосланган рад жавобини беради.

24. Техник шартларда уланишнинг мақбул нуқтаси тармоққа уланиш учун бажарилиши зарур бўлган ишлар (тармоқни кенгайтириш ва/ёки унинг ўтказиш қобилиятини

кўпайтириш) ҳисобга олинган ҳолда ўрганиш ёки баҳолаш якунлари бўйича берилган хуносадаги таклиф қилинган варианtlардан электр тармоқлари эгаси томонидан танланади.

Ишлаб чиқарувчи ўрганиш ёки баҳолаш якунлари бўйича таклиф этилган уланишнинг бошка вариантини танлаш мақсадида ушбу танловни иқтисодий асослаб электр тармоқлари эгасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу ҳолатда электр тармоқлари эгаси ишлаб чиқарувчининг мурожаати олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнода ишлаб чиқарувчига уланишнинг мақбул нуқтаси қайта кўриб чиқилиши ҳисобга олинган ҳолда электр қурилмаларига уланишга техник шартларни беради ёки ишлаб чиқарувчига уланишнинг мақбул нуқтасини ўзгартириш бўйича асосланган рад жавобини юборади.

25. Техник шартларда:

янгидан уланадиган ёки қўшимча қувватни беришга рухсатнома;

ишлаб чиқарувчининг электр қурилмалари тармоққа уланиш нуқтаси;

ишлаб чиқарувчининг электр қурилмалари тармоққа уланиши учун қуриладиган электр узатиш ҳаво ёки кабель тармоқларининг кучланиш синфи;

айрим ҳолларда — ташқи электр таъминоти схемасининг варианtlарини ишлаб чиқиш зарурлиги;

ягона электроэнергетика тизимининг барқарорлик шартларига суткалик юкламаларни қоплаш жадвалини тартибга солишда иштирок этиш бўйича асосланган талаблар;

қисқа туташув токларининг ҳисоблаб чиқилган микдори, релели ҳимояга, автоматикага, алоқага, ортиқча кучланишдан изоляция қилиш ва ҳимоя қилишга қўйиладиган талаблар;

уланиш нуқтасида кучланишнинг нормал даражасини саклаш учун реактив қувватни компенсация қилиш бўйича талаблар;

ишлаб чиқарувчининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини ягона электроэнергетика тизимининг электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграциялаш зарурлиги билан биргаликда электр энергиясини ҳисобга олишга қўйиладиган талаблар;

етказиб бериладиган электр энергияси сифатига қўйиладиган талаблар;

давлат стандартларига мувофиқ барқарорлаштирувчи қурилмаларни ва электр энергияси сифати назорати асбобларини ўрнатишга қўйиладиган маҳсус талаблар;

ҳимоя автоматикаси воситаларига ёки авария вазиятларида ишлаб чиқарувчининг энергия ишлаб чиқарувчи электр қурилмаларини узиш қурилмаларига қўйиладиган ўзига хос талаблар;

ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини ишлатишни ташкил этиш бўйича талаблар;

лойиҳалаштириш ва ишларни бажаришнинг амалдаги нормалари ҳисобга олинган ҳолда техник шартларга амал қилиш муддати кўрсатилади.

Айрим ҳолларда техник шартларга ушбу уланиш билан боғлиқ бўлган бошка техник талаблар ҳам киритилиши мумкин.

26. Агар техник шартларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин тармоққа уланиш учун зарур бўлган электр тармоқ хўжалиги обьектларини қуриш бўйича ишлар бажарилмаган бўлса, техник шартлар ўз кучини йўқотади.

27. Тармоғига ишлаб чиқарувчини уланиши мўлжалланаётган тармоқлар эгаси техник шартларни бермаган ёки уларни беришда ушбу Регламент талаблари бузилган ҳолларда ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

28. Ишлаб чиқарувчининг ягона электроэнергетика тизимига уланиши билан боғлиқ электр тармоғи хўжалигининг янги обьектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

29. Техник шартлар талабларини бажариш ишлаб чиқарувчилар, лойиха, қурилиш-монтаж ва созлаш ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Агар техник шартлар берилган санадан бошлаб уч йил ўтгандан кейин ягона электроэнергетика тизимиға уланиш учун инфратузилмани қуриш бошланмаса, техник шартлар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари бўйича қурилаётган электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича объектларга нисбатан ушбу талаб татбиқ этилмайди.

30. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ёки бошқа ваколатли давлат органи томонидан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича электроэнергетика объектлари қуриш учун танлов эълон қилинганда танлов ҳужжатларига:

электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича корхонанинг жойлашган жойи, тури ва қуввати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, унинг бошқа асосий параметрлари;

ягона электроэнергетика тизимиға уланишнинг мақбул нуқталари тўғрисидаги маълумотлар ва электр қурилмаларига уланиш бўйича бошқа зарур маълумотлар;

ушбу Регламентнинг **25-бандига** мувофиқ электр қурилмаларига уланишга техник шартлар илова қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ёки бошқа ваколатли давлат органи ягона электроэнергетика тизимиға уланишнинг мақбул нуқталари тўғрисидаги техник шартлар ва маълумотлар танлов ҳужжатларида мавжуд бўлишини таъминлаш учун жавоб беради.

Танлов ҳужжатларини тайёрлашга харажатлар электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича электроэнергетика объектлари қурилишининг қийматига киритилиши ва танлов ҳужжатларида кўрсатиладиган шартларда танлов ғолиби томонидан қопланиши керак.

3-боб. Ишлаб чиқарувчиларнинг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва келишиш тартиби

31. Техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқарувчининг буюртмаси бўйича ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш лойиҳаси ишлаб чиқлади.

32. Лойиҳа ташкилоти улаш лойиҳасини:

техник шартларни берган ташкилот билан;

35 кВ ва ундан юқори кучланишли электр тармоқларига, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган ишлаб чиқарувчиларнинг электр қурилмаларига улашда — «Ўзэнергоинспекция» билан;

0,4 — 6 — 10 кВ кучланишли электр тармоқларига улашда — «Ўзэнергоинспекция»нинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишади.

33. Якка тартибдаги уйда яшайдиган жисмоний шахс ҳисобланган ишлаб чиқарувчининг 0,23 — 0,4 кВ кучланишли электр қурилмаларини электр тармоқларига улашда улаш лойиҳасини «Ўзэнергоинспекция» ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишиш талаб қилинмайди.

34. Техник шартларни берган ташкилотлар ва «Ўзэнергоинспекция» ёки унинг ҳудудий бўлими у келишиш учун тақдим этилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида улаш лойиҳасини келишадилар ёки уни келишишни рад этадилар.

35. Улаш лойиҳасининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ва техник шартларга мувофиқ эмаслиги улаш лойиҳасини келишиш рад этилиши учун асос ҳисобланади. Улаш лойиҳасини бошқа сабабларга кўра келишишни рад этишга йўл қўйилмайди.

36. Улаш лойиҳасини келишишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар лойиҳа ташкилоти томонидан бартараф этилгандан кейин такроран кўриб чиқиш ва келишиш улаш лойиҳаси келишиш учун такроран тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

4-боб. Ишлаб чиқарувчиларнинг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш тартиби

37. Техник шартлар талаблари бажарилгандан кейин ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимига улашнинг ишга тушириш схемаси тузилади.

Ишга тушириш схемаси ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчининг уланадиган электр қурилмаларини эксплуатация қиласидиган ташкилот томонидан тузилади.

38. Ишга тушириш схемаси ишлаб чиқарувчининг электр қурилмалари уланадиган электр тармоқларини эксплуатация қиласидиган ташкилот билан келишилади.

Оператив бошқарувдаги ва тизим операторининг юритишидаги электр тармоқларига улашда ишга тушириш схемаси кўшимча равишда тизим оператори билан келишилади.

39. Курилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари тамом бўлганидан кейин ишлаб чиқарувчи уланадиган электр қурилмаларининг тайёрлигини текшириш учун тармоқларига уланиладиган ташкилотга мурожаат қиласиди.

Тармоқларига уланиладиган ташкилот ишлаб чиқарувчи мурожаат қилган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида «Ўзэнергоинспекция»ни ёки унинг худудий бўлинмасини уланадиган электр қурилмаларининг тайёрлигини текшириш зарурлиги тўғрисида хабардор қиласиди, шунингдек, ишлаб чиқарувчи мурожаат қилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида «Ўзэнергоинспекция» ёки унинг худудий бўлинмаси билан келишган ҳолда текшириш ўтказиладиган санани ишлаб чиқарувчига маълум қиласиди.

40. Мурожаат тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида «Ўзэнергоинспекция» ёки унинг худудий бўлинмасининг ваколатли вакили, шунингдек, тармоқларига уланиладиган ташкилотнинг вакили жойнинг ўзига чиқиб ишлаб чиқарувчи билан биргаликда ишлаб чиқарувчининг янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларини монтаж қилиш ва созлашда техник шартлар талаблари бажарилишини, белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя қилинишини, тайёрланган эксплуатация ходимлари ва тегишли ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

41. Текшириш натижалари бўйича бир кун муддатда ушбу Регламентнинг [3-иловасига](#) мувофиқ шакл бўйича электр қурилмаларини кўздан кечириш далолатномаси расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчига топширилади.

42. Якка тартибдаги уйда яшайдиган жисмоний шахс ҳисобланган ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини 0,23 — 0,4 кВ қучланиши электр тармоқларига улашда техник шартларнинг бажарилишини текшириш ва электр тармоқларига улаш тармоқлар эгасининг ваколатли вакили томонидан «Ўзэнергоинспекция» ёки унинг худудий бўлинмаси вакили иштирокисиз амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини эксплуатация қилишга «Ўзэнергоинспекция»нинг рухсатномасини олиш талаб қилинмайди.

43. Фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлмаган тақдирда текшириш далолатномаси асосида у расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида «Ўзэнергоинспекция»нинг худудий бўлинмаси ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсатнома беради (ушбу Регламентнинг [42-бандида](#) келтирилган ҳолат бундан мустасно).

44. Техник шартлар талаблари бажарилмаслиги, электр қурилмаларини монтаж қилиш ва созлашда амалдаги нормалар ва қоидалардан четга чиқилганлиги, тайёрланган эксплуатация ходимлари ва зарур ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсатнома бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади. Бошқа сабаблар бўйича электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсатнома бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

45. Рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилгандан кейин электр қурилмаларини ишлатишга рухсатнома бериш тақорорий мурожаат тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

46. Такроран кўриб чиқишида рад этишнинг асосланишида олдин баён қилинмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди.

47. Электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсатнома у берилгандан кунда ишлаб чиқарувчига юборилади.

48. Ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш ишлаб чиқарувчининг уланадиган электр тармоғи эгасига буюртманомаси бўйича амалга оширилади.

5-боб. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини пломбалаш, электр энергиясини етказиб бериш шартномасини тузиш ва ягона электроэнергетика тизимиға улаш

49. Улаш схемасини текшириш ва ишлаб чиқарувчининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини пломбалаш янгидан ишга тушириладиган энергия ишлаб чиқарувчи электр қурилмалари ишга туширилишига рухсатнома олингандан кейин ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакиллари, электр энергиясининг ягона сотиб оловчиси, тармоқларига уланиладиган ташкилот, шунингдек, Бюро томонидан ишлаб чиқарувчининг буюртманомаси тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида бажарилади.

50. Ягона электроэнергетика тизимиға электр энергиясини етказиб беришга шартнома ишлаб чиқарувчи билан электр энергиясининг ягона сотиб оловчиси ёки унинг розилиги билан «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг тегишли бўлинмаси — тармоқларнинг эгаси ўртасида тузилади.

Ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини истеъмолчининг электр тармоқларига улашда электр энергияси етказиб беришда шартнома тузиш тартиби улаш схемасидан келиб чиқиб бевосита техник шартларда белгиланади.

51. Жисмоний шахснинг якка тартибдаги турар жойини 0,23 — 0,4 кВ кучланишли электр тармоқларига улашда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текшириш ва пломбалаш электр энергиясининг ягона сотиб оловчиси билан келишган ҳолда тармоқлар эгаси ва Бюронинг ваколатли вакиллари томонидан амалга оширилади.

Электр энергиясини етказиб беришга шартнома тузиш, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текшириш ва пломбалаш, шунингдек, ҳисобга олиш асбобларини текшириш ва пломбалашда Бюро вакилининг иштироки масалаларини электр энергиясининг ягона сотиб оловчиси билан келишиш тармоқларнинг эгаси томонидан таъминланади.

52. Электр энергиясини етказиб беришга шартнома Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда Бюро, «Ўзэнергоинспекция» ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган намунавий шакл бўйича тузилади.

53. Ишлаб чиқарувчининг энергия ишлаб чиқарувчи электр қурилмаларини улаш ва ягона электроэнергетика тизимиға қувватларни бериш:

ушбу Регламентнинг **38-бандига** мувофиқ келишилган ишлаб чиқарувчининг энергия ишлаб чиқарувчи электр қурилмаларини улашнинг ишга тушириш схемаси;

ушбу Регламентнинг **42-бандида** келтирилган ҳолатдан ташқари электр қурилмаларини ишлатишга рухсатнома мавжуд бўлганда;

ишлаб чиқарувчининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари текширилган ва пломбалангандা;

ушбу Регламентнинг **52-бандига** мувофиқ тузилган электр энергияси етказиб беришга шартнома мавжуд бўлганда амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

54. Техник шартларни, шу жумладан, қўшимча техник шартларни ишлаб чиқиши ва бериши, лойиҳани ягона электроэнергетика тизимиға улашни келишиш, энергия ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсатнома бериш, шунингдек, ишлаб чиқарувчининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текшириш ва пломбалаш тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

55. Ишлаб чиқарувчиларнинг энергия ишлаб чиқарувчи электр қурилмаларини эксплуатация қилиш Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш регламентига
1-ИЛОВА

Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Харакатлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ишлаб чиқарувчи	Техник шартларни бериш учун тармоқлар эгасига буюртманома бериш.	заруратга кўра
2-босқич	«ХЭТ» АЖ (20 кВт дан 500 кВт ни ҳам ўз ичига оладиган қувватга эга бўлган ишлаб чиқарувчини улашда)	Уланишга буюртманома нусхасини хабардор қилиш учун тизим операторига юбориш. Тармоқقا улашни баҳолаш учун сертификатлаштирилган ташкилотни белгилаш.	уч кун мобайнида
	«ХЭТ» АЖ (500 кВт дан ортиқ қувватга эга бўлган ишлаб чиқарувчини улашда)	Уланишга буюртманома нусхасини келишиш учун тизим операторига юбориш. Тармоқقا уланишни ўрганиш учун сертификатлаштирилган ташкилотни белгилаш.	беш кун мобайнида
3-босқич*	Тизим оператори	Ишлаб чиқарувчининг буюртманомасини кўриб чиқиш, келишиш ёки асосланган рад жавобини «ХЭТ» АЖга тақдим этиш.	ўн кун мобайнида
4-босқич	Ихтисослаштирилган ташкилот	Тармоқقا уланишни ўрганиш ёки баҳолаш ва хulosани «ХЭТ» АЖга тақдим этиш.	бир юз йигирма кун мобайнида
5-босқич	«ХЭТ» АЖ	Ўрганиш ёки баҳолаш якунлари бўйича берилган хulosадаги таклифлардан улаш вариантини ишлаб чиқарувчи билан келишиш. Ишлаб чиқарувчининг электр қурилмаларини улаш учун техник шартларни бериш.	хулоса олинган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида

6-боскич	Махсус лойиҳа ташкилоти	Ишлаб чиқарувчи билан тузилган шартнома бўйича электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш лойиҳасини ишлаб чиқиш. Улаш лойиҳасини техник шартларни берган ташкилотга ва «Ўзэнергоинспекция»га келишиш учун юбориш.	шартномада белгиланган муддатларда
7-боскич	Техник шартларни берган ташкилот, Ўзэнергоинспекция	Улаш лойиҳасини келишиш.	ўн кун мобайнида
8-боскич	Ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчининг уланадиган электр қурилмаларини ишлатадиган ташкилот	Ишга тушириш схемасини тузиш. Ишга тушириш схемасини тармоқлар эгаси ва тизим оператори билан келишиш. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш. Уланадиган электр қурилмаларини монтаж қилиш ва созлашда техник шартлар талаблари бажарилишини ва белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш тўғрисида «Ўзэнергоинспекция»га ва тармоқлар эгасига мурожаат юбориш.	ишлаб чиқарувчи томонидан белгилаган муддатларда
9-боскич	«Ўзэнергоинспекция» ва тармоқлар эгаси	Текширув ўтказиш. Белгиланган шакл бўйича текшириш далолатномасини расмийлаштириш.	ўн кун мобайнида бир кунда мобайнида
10-боскич	«Ўзэнергоинспекция»	Текшириш далолатномаси асосида ишлаб чиқарувчига электр қурилмаларини ишлатишга рухсатнома бериш.	уч кун мобайнида
11-боскич	Ишлаб чиқарувчи ёки ихтисослаштирилган ташкилот, тармоқлар	Синовлар ўтказиш ва фойдаланишга топшириш.	томонлар томонидан келишилган муддатларда

	эгаси ва «Ўзэнергоинспекция»	Белгиланган шакл бўйича далолатномани расмийлаштириш.	
--	---------------------------------	---	--

12-боскич	Ишлаб чиқарувчи, тармоқлар эгаси, Бюро	Ишлаб чиқарувчининг буортманомаси бўйича улаш схемасини текшириш, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини пломбалаш ва электр энергияси етказиб беришга шартнома тузиш.	беш кун мобайнида
------------------	--	---	----------------------

* 20 кВт дан 500 кВт ни ҳам ўз ичига оладиган қувватга эгалик қилувчи ишлаб чиқарувчини улаша
чиқариб ташланади.

Изоҳ. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчини «ИЭС» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ тармоқларига
улаша тизим операторига буортманомалар нусхалари юборилмасдан «ХЭТ» АЖ билан келишиш зарур.

Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси
ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимига улаш
регламентига
2-ИЛОВА

(уланиш мўлжалланаётган электр _____
тармоқлари эгасига)

АРИЗА

(юридик шахс учун — ишлаб чиқарувчининг номи/жисмоний шахс учун Ф.И.О.)

нинг электр қурилмаларини Сизнинг электр

тармоқларингизга улаш учун техник шартларни беришингизни сўрайман.

1. Ишлаб чиқарувчини тавсифлайдиган маълумотлар:

(кувват ва қутилаётган

йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш, техник тавсифлар, паспорт маълумотлари,

жойлашган жойи (аҳоли пункти билан боғлиқ ҳолда картография материали), лойиҳалаштириш,

куриш ва фойдаланишга топшириш муддатлари, иш режими ва энергия тизимининг

суткалик жадвалини тартибга солишда иштирок этиш имконияти).

2. Бир вақтнинг ўзида _____ даврида

(суткалар, мавсумий, энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни

истеъмолчи режимида ишлашга рухсат бериш

таъмиrlаш вақтида ва шу
кабилар)

3. Истеъмолчини тавсифлайдиган маълумотлар:

истеъмол қилинадиган қувват _____ кВт;

электр таъминоти ишончлилиги бўйича электр қабул қилгичларнинг тоифавийлиги: _____.

Ишлаб чиқарувчи _____

(Ф.И.О., ишлаб чиқарувчи ваколатли шахснинг лавозими, имзоси)

Алоқа қиладиган шахс: Ф.И.О.

телефони:

Изоҳ. 2-банд истеъмолчининг режимида ишланган тақдирда тўлдирилади.

Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси
ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимига улаш

регламентига
З-ИЛОВА

Электр қурилмаларини кўриқдан ўтказиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

№ _____

20 ____ йил

Биз, қўйида имзо чекувчилар, _____
«Ўзэнергоинспекция»нинг _____ худудий бўлинмаси инспектори
(худудий бўлинма номи)

_____,
(лавозими, Ф.И.О., телефоны)

(техник шартларни берган ташкилотнинг номи)

вакили _____
(лавозими, Ф.И.О.)

ва ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) _____

(ташкилотнинг номи, Ф.И.О., лавозими, телефоны)

ушбу Далолатномани ишлаб чиқарувчининг мурожаатига (хатнинг рақами ва сана) мувофиқ

(техник шартларни берган ташкилотнинг номи)

томонидан 20 ____ йил «____» _____ да _____ - рақами билан берилган техник шартларни бажариш доирасида

(юридик шахснинг номи, асосий электр қурилмалари рўйхати, манзил

НИНГ

янгидан ишга тушириладиган (реконструкция қилинган) электр қурилмалари кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида туздик.
Максимал уланаётган қувват _____ кВт.

Уланиш нуқталари рўйхати:

Ягона энерготизимга уланиш нуқтаси	Таъминот манбаи (таъминот тармоқларининг номи)	Кучланиш даражаси (кВ)	Максимал уланаётган қувват (кВт)
_____	_____	_____	_____

Аниқланди:

1. Кўриқдан ўтказиш учун тақдим этилган электр қурилмалари рўйхати ва тавсифи:

(кабеллар, симларнинг тури, қуввати, кучланиши, сони, узунлиги, маркаси ва кесими,

линиялар тавсифи ва шу кабилар)

2. Ўрнатилган хисобга олиш асбоблари (ўлчов комплекслари, хисобга олиш тизими):

(ўрнатиш жойи, хисобга олиш асбоблари ва ўлчов трансформаторлари тури,

трансформация коэффициентлари ва бошқалар)

3. Реле ҳимояси, аварияга қарши ва режим автоматикаси қурилмалари:

(ҳимоя турлари ва автоматика, асбоб-ускуналар турлари ва бошқалар)

4. Кўриқ давомида тақдим этилган ҳужжатлар:

(ҳужжатлар номи ва реквизитлари) _____

5. Аниқланган камчиликлар:

6. Кўриқ натижалари бўйича хуносা:

7. Бошқа қайдлар:

«Үзэнергоинспекция»нинг _____ худудий бүллинмаси и

(имзо)

Ф.И.О.

вакили

(техник шартларни берган ташкилотнинг номи)

(имзо)

Ф.И.О.

Ишлаб

чиқарувчи:

(юридик шахснинг номи,

вакилнинг лавозими)

(имзо)

Ф.И.О.

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.07.2019 й., 09/19/610/3459)